

3

ЭЛ ҚУВОНЧУ  
ТАШВИШИГА  
ҲАМИША ШЕРИКМИЗ

4

ЯНГИ БОСҚИЧ ВА УЛКАН  
ИШОНЧ ТИМСОЛИ

5

ТЕХНИКАСИЗ  
ФЕРМЕР – ҚУРОЛСИЗ  
АСКАР...МИ?

6

СЎНГГИ  
МАШҲУР ШОИРВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ  
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

# XXIASR



IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

Gazeta 2004-yil  
1-yanvardan chop  
etila boshlagan3-aprel  
2026-yil  
13 (1 167)

САВОБ

Президент Шавкат Мирзиёев “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, Миллий дендрология боғини барпо этишга старт берди. Давлатимиз раҳбари тадбирда нутқ сўзлар экан, халқимиз азал-азалдан Наврўз кунларида, оиласида фарзанд туғилганда томорқасига, майдон ва хиёбонларга, йўл четларига яхши ният билан кўчат қадаб, гулу райҳонлар экканини таъкидлади.

21asr.uz

XXIasr\_yangiliklari

XXIASR

XXI\_asr@mail.ru

xxiasrgazetasi

XXIasrgazetasi

O'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИДА

## “ХАЛҚ БИЛАН БИРГА” УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ!

Кунин кеча Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VI йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, ҳудудий кенгашлар раҳбарлари, депутатлар ёрдамчилари ва фаоллар, ОАВ вакиллари иштирок этди. Йиғилишда 2026 йил – “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” да устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича партия олдида турган вазифалар, 2025 йил бюджети ижроси ва 2026 йилги бюджетнинг асосий йўналишлари ҳамда бошқа масалалар агрофлича муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ақтам ХАЙТОВ йиғилишни очиб берар экан, жумладан шундай деди:

– Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тобора шиддатли ва кенг қамровли тус олмақда. Ҳар кун, ҳар соатда юртимизда турли кўринишларда ижобий ўзгаришлар рўй берапти. Бу каби янгиланишлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олаётганига гувоҳимиз. Бу жараёнлар асосида ягона мақсад – инсон манфаатлари турганлиги кенг кўламли ислохотларнинг бутун мазмунини очиб беради. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонларига мувофиқ, 2030 йилгача бўлган тараққиёт стратегиясини янги босқичга олиб чиқиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, 2026 йилга “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб ном берилиши замирида ҳам инсон манфаатлари, кадр-қиммати ётибди. Бу эса мамлакатда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг узвий давомидир. Мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган улкан марралар шунчаки белгилангани йўқ. Улар халқимизнинг жипслиги ва ўтган даврдаги амалий ютуқларимизга асосланган ҳолда ўз олдимизга қўйган аниқ вазифаларимиздир. Алоҳида таъкидлашни истардимки, бу каби эзгу ишлар партияимизнинг “5 мақсад – 500 вазифа” шиори остида Сайловолди дастурида белгиланган интилишларимизга тўла ҳамоҳангдир. Утган йил давомида партияимиз фаоллари ва депутатлик корпуси ушбу дастурдаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида тизимли ишларни амалга оширдилар.

Давоми 2-саҳифада.

Сирожиiddин САЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири,  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси



### ЯНГИ КУН – ЯНГИ ҲАЁТ ҚАСИДАСИ

Доим ғолиб музаффардир янги кун, янги ҳаёт,  
Қутлуғ бўлсин, ватандошлар, янги кун, янги ҳаёт.

Осмонўпар биноларинг бунча кўркам, бунча кўркам,  
Бунча кўркам қадау бастинг, янги ўлкам, янги ўлкам.

Янги ҳаёт, айвонларинг бунча ёруғ, янги ҳаёт,  
Эл кўнгли ҳам шунча ёруғ, шунча ёруғ, янги ҳаёт.

Ерга тушмиш гўё мовий осмонларнинг ранги ҳаёт,  
Баҳор янглиғ уфургайдир янги ҳаёт, янги ҳаёт.

Авайлагил ер-сувингни, авайлагил тупроғингни,  
Кўчат экиб, ниҳол экиб яраттил ўз гулбоғингни.

Баҳор чорлар нурли-нурли хаёлларга, хаёлларга,  
Боғларингиз тўлсин бу йил ниҳолларга, ниҳолларга.

Бир халқ бўлиб, миллат бўлиб гўзал Ватан яратгаймиз,  
Гўзал Ватан жамолига дунёларни қаратгаймиз.

Она юртим, ота макон – меҳрим балқир, балқир қалбим,  
Меҳнаткашим, заҳматкашим она халқим, она халқим.

Она халқим, она юртим, бўйнимда кўп қарзим, халқим,  
Янги замон қурган уллуғ мардларингга таъзим, халқим.

Янги замон – гулгун ўғил-қизларингдир, янги замон,  
Келажакка элтар нурли изларингдир янги замон.

Орзу-ниятларинг янглиғ янги боғу бўстон Ватан,  
Янги Ватан, мутлоқ янги, шонли Ўзбекистон Ватан.

Жоним Ватан, шоним Ватан, улғай қиз-ўғлоним Ватан,  
Миллат бўлиб, давлат бўлиб, юксал шараф-шоним Ватан.

Дунё тўлуғ, дунё тўлуғ нурли-нурли хитобларга,  
Уйларингиз тўлсин бу йил китобларга, китобларга.

Худо ўзи ато этмиш ризқ-рўзингиз, ризқ-рўзингиз,  
Элдошларим, қутлуғ бўлсин янги ҳаёт, Наврўзингиз.

Дуч қилмасин Ўзи ҳаргиз балоларга, қазоларга,  
Тинчлик берсин Ер юзига, дунёларга, дунёларга.  
Уйларингиз тўлсин бу йил бугдойларга, бугдойларга.

Бу диёрда дунёларча умидлар бор, ниятлар ёр,  
Ўзинг асра шу жонон Ватанимни, Парвардигор.

Она юртим, она халқим, минг асрлик азим халқим,  
Янги замон қураётган мардларингга таъзим, халқим.

Доим ғолиб музаффардир янги кун, янги ҳаёт,  
Қутлуғ бўлсин ватандошлар, янги кун, янги ҳаёт.

# "ХАЛҚ БИЛАН БИРГА"

## УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ!

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Таъкидланганидек, жамиятнинг ҳеч бир қатлами – хотин-қизлар ва ёшлар, нурунийлар ва зиёлилар, шунингдек, асосий электорат бўлган тадбиркор ва фермерлар муаммолари партияимиз ҳамда депутатлар эътибордан четда қолгани йўқ. Бу борада аҳолининг ҳар бир қатлами манфаатларига йўналтирилган **100 дан ортиқ партиявий лойиҳанинг ишга туширилгани, қолаверса, сиёсий куч марказий аппаратида Амалий лойиҳалар маркази ташкил этилгани** аниқ мўдда бўлди.

Мазкур лойиҳалар доирасида ўтган йилнинг ўзида **2 миллиондан ортиқ фуқаро қамраб олинди**. Бугунги кунда республикамизнинг асарияти маҳаллаларига кириб борган **"Ишбилармон аёл", "Депутат маҳаллада", "Креатив тадбиркор ёшлар"** ҳамда **"Тадбиркор ва фермерларга ҳуқуқий ёрдам"** каби лойиҳаларимиз халқимиз эътиборини қозонмоқда. Депутатларимиз томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида **3 та қонун лойиҳаси** бевосита, **16 таси** эса **ҳамташаббуркорликда** парламент муҳокамага киритилди. Ушбу лойиҳалар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари, сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш каби энг долзарб масалаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, депутатлар фаолиятида **халқ ичига кириб бориш**, муаммоларни жойида ўрганиш асосий мезонга айланган. Агробизнес, кичик саноат зоналари, бандлик ва инфратузилма масалалари юзасидан жойларда **300 дан ортиқ учрашув ва ўрганишлар** ўтказилгани сайловчилар билан доимий мулоқот қилинганидан далолатдир.

Партия Сиёсий Кенгаши йиғилиши доирасида О'зЛиДеПнинг янги – **"Халқ билан бирга"** умуммиллий дастурининг тақдими ҳам ўтказилди. Ушбу дастур Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимояга йўналтирилган давлат сиёсати, хусусан, камбағалликка қарши кураш, аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, инсон қадрини улуғлаш тамойилларини ҳаётга кенг жорий этишга қаратилган муҳим амалий ташаббус ҳисобланади.



– Дастурнинг асосий мақсади – давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган самарали ислохотларни тарғиб қилиш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига манзилли кўмак кўрсатиш, бизнес ва жамият ўртасида ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашдан иборат. – деди **О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг Сиёсий-мафкурарий ва тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича ўринбосари Дилшод ШОУМАРОВ**. – Дастур доирасида 2026 йил давомида **50 мингдан ортиқ**

**тадбиркорлар** иштирок этиши ва **1,5 миллиондан зиёд фуқарога** турли кўринишдаги кўмак бериш режалаштирилган. Ушбу дастурнинг **"Юракка йўл"** акцияси доирасида хонадонма-хонадон юриш орқали **1 миллиондан ортиқ оила** қамраб олиниб, аҳоли муаммолари бевосита жойларда ўрганилади ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ режалар шакллантирилади.

Шу билан бирга, жойларда **10 дан ортиқ мобил штаблар** фаолияти йўлга қўйилиб, улар томонидан республика бўйлаб **200 дан ортиқ сайёр қабуллар** ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг барча турдаги муурожаатлари тингланиб, жойида ушбу масалаларга ечим топилади, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар олинади. Дастур давомида **"Маҳалла ёттилиги"** ҳамда **"Инсон"** ижтимоий хизматлар марказлари билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилади.

Эътиборлиси, дастурда ёшлар ва хотин-қизларни фаол жалб қилишга алоҳида урғу берилган. Жумладан, ҳудудларда **50 та** давра суҳбати, **100 дан ортиқ** муҳокама, **50 та** очиқ мулоқотлар, **10 та** конференция ва **25 та** йирик акциялар ташкил этиш режалаштирилган. Бу орқали аҳолининг турли қатламлари билан очиқ мулоқот ўрнатиш, уларнинг фикр ва таклифларини ўрганиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари замонавий ахборот технологияларидан ҳам самарали фойдаланилади. Хусусан, телеграм-бот орқали онлайн сўровномалар ўтказиш, **"Депутат билан очиқ суҳбат"** онлайн платформасини ишга тушириш, **"Сизнинг фикрингиз биз учун муҳим"** каби интерактив лойиҳаларни амалга ошириш орқали халқ билан доимий мулоқот йўлга қўйилади. **Ижтимоий сўровномаларда** аҳолининг фикр ва эҳтиёжларини тезкор равишда аниқлаш, муаммоларни ўрганиш ҳамда қарор қабул қилишда жамоатчилик фикрига таянилади.

Ижтимоий ёрдамнинг турли шакллари йўналишида кам таъминланган оилаларни озик-овқат, дори-дармон, кийим-кечак ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, уларни тадбиркорлар томонидан оталиққа олиш, тиббий кўриқлар ташкил этиш, иш ўринлари яратиш ва касбга ўқитиш каби манзилли чора-тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, **"Бир оила – бир ҳомий"**, **"Яхшилик марафони"**, **"Фаровон оила"**, **"Инсон қадрини улуғланган юрт"**, **"Кексаларга меҳр"**, **"Умид"**, **"Бир кунда 1000 китоб"**, **"Саломатлик сари"** каби ўнлаб ижтимоий акция ва лойиҳалар ўтказилади.

Дастурда жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жойларда ўтказиладиган ўрганишлар натижалари асосида жамоат эшитувлари ташкил этиш, депутатлик сўровлари юбориш, қонунчилик ташаббусларини илгари суриш орқали тизимли муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Тақдимот якунида **"Халқ билан бирга"** умуммиллий дастурига расмий старт берилди. Ҳудудлар кесимида аниқ вазифалар белгилаб олинди, масъуллар бириктирилди ва ижро механизми тасдиқланди. Шунингдек, дастурни самарали амалга оширишга қаратилган йўл харитаси тасдиқланди.



**Ўқтамжон АХУНОВ,**  
Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси Андижон вилоят бўлими раиси, О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши аъзоси:

– "Халқ билан бирга" умуммиллий дастури мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг мантаний давоми бўлиб, жойларда амалий натижа берадиган, аниқ манзилли ёндашувга эга муҳим ташаббусдир. Андижон вилоятида 120 мингга яқин кексалар бўлиб, 18 минг доимий ижтимоий кўмакка муҳтожлигини ҳисобга олсак, дастур доирасидаги "Кексаларга меҳр" ва "Бир оила – бир ҳомий" ташаббуслари бу борада аниқ мўдда. Масалан, вилоятдаги 5 минг тадбиркор биттадан эҳтиёжманд кексани ҳомийликка ола, шунча инсоннинг муаммоси ҳал этилади. Ёки уйма-уй юриш ("Юракка йўл" акцияси) орқали уларнинг ҳолидан хабар олинса. Аслида, кексалар моддий ёрдамдан кўра, эътибор ва мулоқотга муҳтож бўлади. Шу боис ушбу дастурни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва уни амалга оширишда фаол иштирок этамиз.



**Бахтиёр УМАРОВ,**  
Наманган шаҳридаги "IDEAL TEKSTIL ORZU" МЧЖ бош директори, О'зЛиДеП фаоли:

– Тўқимачилик соҳаси вакили сифатида айтаманки, корхоналар фақат иқтисодий фойда олиш билан чекланиб қолмасдан, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиши зарур. Жамиятимизда 180 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 60 фоизи ёшлар ва хотин-қизлардир. Дастур доирасида ушбу кўрсаткични 2026 йил якунига қадар камида 250 нафарга етказишни дилга тугдим. Шунингдек, "Бир оила – бир ҳомий" акцияси доирасида 15 та кам таъминланган оилга доимий ҳомийлик қиламиз ва озик-овқат, кийим-кечак билан таъминлаймиз. "Фаровон оила" ва "Оилавий тадбиркорлик мактаби" ташаббусларини ҳам қўллаб-қувватлаган ҳолда, 50 нафар ишчи ёшлар ва хотин-қизларни тикиш-бичиш касбига бепул ўқитамиз, 30 нафарини сафимизга оламиз. "Тадбиркорлардан бола-жонларга" акцияси доирасида Наманган шаҳридаги 2 та мактаб ва 1 та болалар муассасасига 500 донна мактаб формаси ҳамда 300 донна тўқимачилик маҳсулотларини бепул етказиб берамиз. "Саломатлик сари" акцияси доирасида эса ҳодимларимиз ва уларнинг оила аъзолари учун йилига камида 2 мартаба бепул тиббий кўрик ташкил этамиз. Биргаликда ҳаракат қилсак, нафақат корхоналаримиз ривожланади, балки жамиятимизда меҳр-оқибат, бирдамлик ва фаровонлик муҳити янада мустаҳкамланади.



**Манзура ВАЛИЕВА,**  
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани "Янгиобод" МФЙ раиси, О'зЛиДеП фаоли:

– Дастур тақдимотини кўриб, жудаюм қувондим, унинг натижасини ҳозирданояқ қўл ҳис этиялман. Эътибор беринг, маҳалламизда 96 та кам таъминланган оила бўлиб, уларнинг 41 таси ишсиз, 28 тасида эса ногиронлар бор. "Халқ билан бирга" дастури айнан шундай оилаларга ёрдам бериб, уларнинг кўнглини олади-да. Маҳалла билан тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик кучайиб, масъулият, бағрикенглик муҳити ривожланади.



**Нодир ЖУМАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, О'зЛиДеП фракцияси аъзоси:

– Дастурда таълим, ёшлар сиёсати ва инсон капитали ривожига қаратилган йўналишлар алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, 50 мингдан ортиқ тадбиркор жалб этилиб, 1,5 миллиондан зиёд аҳолини камраш режалаштирилгани унинг кўламдорлигини кўрсатади. "Оилавий тадбиркорлар ва касаначилар мактаби" орқали 20 мингта оила қамраб олиниши, "Бир кунда 1 000 китоб" акцияси, ёшларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар таълим ва маърифат соҳаси учун катта имконият. Масалан, ҳар бир ҳудудда камида 500 нафар ёш ушбу дастурлар орқали касб-хунарга ўқитилса, республика миқёсида камида 7-8 минг ўғил-қизнинг бандлиги таъминланади. Шунингдек, режалаштирилган IT ва сунъий интеллект бўйича семинарлар, бепул ўқув курслари ва маҳорат дарсларида камида 10-15 минг нафар ёшни қамраб олиш имконияти мавжуд.



**Раъно ШОДИЕВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, О'зЛиДеП фаоли:

– Дастурнинг энг муҳим жиҳати – у фақат давлат органлари эмас, балки жамиятнинг барча қатламларини, тадбиркорлар, санъат вакиллари ва кенг жамоатчиликни бирлаштиради. Дастур доирасида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар билан маънавий-маърифий ишларни кучайтиришни лозим деб ҳисоблайман. Чунки жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш нафақат моддий ёрдам, балки инсонларнинг маънавий қўллаб-қувватланиши билан ҳам узвий боғлиқдир.

Хусусан, дастурда кўзда тутилганидек, тадбирларда санъат аҳли фаол иштирок этса аҳоли кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. "Бир кунда 1 000 китоб" акцияси доирасида китобхонликни тарғиб қилиб, ёшларда маънавий иммунитетни кучайтириш режаси ҳам жуда яхши ўйланган. Мен ҳам камида 10 та шундай тадбирда иштирок этиб, 1 000 дан ортиқ ёшни қамраб олишни ният қилдим. Санъат аҳли эса бу жараёнда халқ қалбига йўл топиб, уларга руҳий далда бериш орқали ушбу эзгу ташаббусни янада самарали амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади.



**Амина БЕКЖАНОВА,**  
Нукус шаҳридаги "Muinak-tour" МЧЖ раҳбари, О'зЛиДеП фаоли:

– Туризм соҳаси Қорақалпоғистон Республикаси шароитида нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, "Халқ билан бирга" дастури доирасида туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали қатор йўналишларда амалий иштирок этишни мақсадга мувофиқ деб биламан. Хусусан, маҳаллий аҳолини туризмга кенг жалб қилиш, ёшлар ва хотин-қизлар учун бепул ўқув курслари ташкил этиш, меҳмонхона хизмати, миллий ҳунармандчилик ва сервис хизматларига ўқитиш, меҳмон уйлари ташкил этиш, миллий таомлар тайёрлаш, эҳсоурсия хизматларида иштирокини таъминлаш орқали уларга доимий даромад манбаи яратиш мумкин. "Бир оила – бир ҳомий", "Фаровон оила" каби акциялар доирасида тадбиркор сифатида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшишни ҳам аниқ дамда режа қилдим.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
Сардор АМИНЖОНОВ (суратлар),  
"XXI asr" мухбирлари

Шунингдек, эзгуликка йўғрилган ушбу дастур муҳокамаида Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Сирожиддин Саййид (газетамизнинг биринчи саҳифада чоп этилган шеърини ушбу йиғилишда ўқиб берди, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди).

Тадбирда, сўз олганлар эътироф этганидек, мазкур дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида аҳоли билан доимий ва самарали мулоқот тизими шаклланади, жойлардаги муаммолар аниқланиб, манзилли ҳал этилади, тадбиркорлар ва жамият ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилади.

"Халқ билан бирга" умуммиллий дастури – фақатгина ижтимоий лойиҳа эмас, балки халқ дардини эшитиш, муаммоларни жойида ҳал қилиш ва инсон қадрини улуғлашга қаратилган кенг кўламли умуммиллий ҳаракатдир. Мазкур ташаббус партиянинг халқ билан бирга ишлаш тамойилини амалда янада мустаҳкамлаб, Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

# ЭЛ ҚУВОНЧУ ТАШВИШИГА ҲАМИША ШЕРИКМИЗ

**ЮРТИМИЗДА “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ДОИРАСИДА ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. АЙНИ КУНЛАРДА О‘ЗЛИДЕР СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ АКТАМ ХАЙТОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ИШЧИ ГУРУХ ХУДУДЛАРДА БЎЛИБ, АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗМОҚДА. МАЗКУР МУЛОҚОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ – ФУҚАРОЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАРНИ БЕВОСИТА ТИНГЛАШ ВА УЛАРГА ҚОНУН ДОИРАСИДА ЕЧИМ ТОПИШДАН ИБОРАТ.**

## АНДИЖОН



Партия етакчиси Андижон вилоятида саноат салоҳияти ва инвестиция лойиҳаларини ўрганиш мақсадида қатор ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти билан яқиндан танишди. Хусусан, “Ипак йўли” эркин иқтисодий саноат зонасидаги корхоналарда ишлаб чиқариш жараёни ва яратилаётган иш ўринларини кўздан кечирди. “Hainan Shoulu” ҳамда “M print” корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий технологиялари ва маҳсулот турлари билан танишиш жараёнида бу ерда экспортбон ҳамда рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот давомида соҳадаги муаммолар ҳам кўтарилди. Хусусан, сертификатлаш, лицензиялаш, патент ва логотип ҳимояси, солиқ ҳамда экспорт жараёнларидаги айрим қийинчиликлар тилга олинди, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилди. Жумладан, тартиб-таомилларни соддалаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш орқали саноатни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.



Андижон туманидаги “Milana” МЧЖ корхонасида 250 дан ортиқ хотин-қизлар иш билан таъминланган. Корхонада тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, маҳсулотларнинг барчаси экспортга йўналтирилган. “Bertus Group” МЧЖда эса замонавий технологиялар асосида пенопласт сендвич панеллари ишлаб чиқарилиб, дуал таълим орқали ёшларга амалиёт ўташ ва касб ўрганиш имконияти яратилгани эътиборга молик.

“Longping-begeke” корхонаси эса ҳудудда илғор технологиялар асосида уруғлар етиштириб, маҳаллий ва халқаро бозорни таъминлаётди. Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур субъектда уруғчилик, уларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари билан яқиндан танишиб, маҳсулот сифати, лаборатория назорати ҳамда технологияларнинг самарадорлиги бўйича батафсил маълумот олишди. Учрашув давомида иттиҳотлик инвесторлар билан мулоқот ҳам бўлиб ўтди. Унда инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва янги технологияларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, корхона раҳбарлари лицензиялаш ва сертификация жараёнларини соддалаштириш, экспорт йўналишларини кенгайтириш ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш учун қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифларини илгари суришди. Бу каби амалий мулоқотлар ҳудудда инвестициявий жозибадорликни ошириш, қишлоқ ҳўжалигида инновацион ёндашувларни кенг жорий этиш ва рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

\*\*\*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Екатерина Смесовна** Андижон шаҳридаги Янги ҳаёт маҳалласида жойлашган 28-умумтаълим мактабининг инфратузилма ҳолати ҳамда ўқув-тарбия жараёни билан атрофлича танишди.

Таълим соҳасини изчил ривожлантириш, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш, мактабларда яратилган шарт-шароитларни баҳолаш, шунингдек, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни самарали ҳал этиш механизмларини белгилашни мақсад қилган халқ вакили ҳар бир синфхонанинг жиҳозланиши, моддий-техник базаси, иситиш тизими ҳамда ўқув жараёнларини кўздан кечирди. Педагоглар билан бўлиб ўтган очиқ ва самимий мулоқотда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, замонавий ўқув воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

“Маҳалла еттилиги” билан учрашувда эса ҳудуддаги долзарб ижтимоий масалалар, инфратузилмани яхшилаш, таълим муассасаси билан маҳаллий ҳамjamiyat ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди. Халқ вакилиси мулоқот давомида таълим тизимини модернизация қилиш, педагогларни рағбатлантириш ва уларнинг касбий салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар хусусида маълумот берди. Шу билан бирга, аҳоли ва таълим муассасаларидан келиб тушаётган таклифларни “Ташаббусли бюджет” механизми орқали қўллаб-қувватлаш ва уларни қонунчилик жараёнида инобатга олиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Учрашув якунида мактаб инфратузилмасини янада ривожлантириш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришилди. Шубҳасиз, бундай амалий ташрифлар таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни жойида ўрганиш, уларга тезкор ва самарали ечим топиш ҳамда ёш авлод учун янада муносиб шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Нурафшон шаҳридаги Нурунийлар масканида аҳолининг эҳтиёмжанд қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрия тадбири ташкил этилди. Мазкур тадбир **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Виктор Пак** ташаббуси ва ҳомийлиги асосида ўтказилди. Ташаббус олдида депутат вилоятда истиқомат қилаётган нурунийлар билан очиқ ва самимий мулоқот ўтказди. Кекса авлод вакиллари ҳаётий тажрибаси, жамиятдаги ўрни ва ёшлар тарбиясидаги роли алоҳида таъкидланиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади.

Хайрия тадбирида **О‘зЛиДеР Тошкент вилояти кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев**, Нурафшон шаҳар ҳокими ўринбосари Нодира Жуманова ҳамда жамoатчилик вакиллари иштирок этди. Худудда истиқомат қилувчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга зарур кундалик истеъмол маҳсулотлари топширилди. Бу каби амалий кўмак, аввало, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, уларга далда бериш, жамиятда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– Давлатимизда инсон қадрини, унинг манфаатларини устувор аҳамият касб этмоқда, – деди **О‘зЛиДеР** фракцияси аъзоси **Виктор Пак**. – Биз ҳар бир фуқаронинг ҳолидан хабар олишимиз, айниқса, эҳтиёмжанд оилаларни қўллаб-қувват-



лашнинг ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб биламиз. Бу каби хайрия тадбирлари нафақат моддий ёрдам, балки одамлар қалбига меҳр ва ишонч улашишга хизмат қилади.

## ҚАШҚАДАРЁ



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Наргиза Саломова** Яккабўғ тумани Қулистон маҳалласини ўрганишдан бошлади. Айниқса, сайловчилар эътирозига сабаб бўлаётган ички йўллар ҳолати диққат билан кўздан кечирилди. Аниқланишича, маҳалла шу вақтга қадар “Опен бюджет” дастурида бирор мартаба ҳам ғолиб бўлмаган. Умуман олганда, бу йўллар анча вақтдан буюн таъмирланмаган, ёгин-сочинли кунларда лой, ёзда эса чанг бўлиши аҳолига ноқулайлик туғдиради.

Қонунчиликка мувофиқ, куйи палата депутатларига “Опен бюджет”да ғолиб бўлмаган маҳаллаларни танлаб, уларни қўллаб-қувватлаш ва ажратилган маблағлар ҳисобидан лойиҳаларни амалга ошириш имконияти берилган. Шундан келиб чиқиб, депутат ўз ташаббуси билан мазкур маҳаллани “Опен бюджет”га киритиб, қиймати 1 млрд 650 миллион сўм бўлган лойиҳани тасдиқлади. Унга қўра ҳудуд йўллари тўлиқ таъмирланади, 3 минг метр ички йўллар асфальтланади. Натижада аҳолининг шароити ва турмуш даражаси оширилади.



Ҳудди шундай, тумандаги 1-гуруҳ ногирони Гулчехра Рўзиеванинг ҳам уй-жойи таъмирталаб аҳволда экани аниқланиб, марказ томонидан унга апрель ойида маблағ ажратилиши бўйича қарор қабул қилинди.

## САМАРҚАНД



Пайшанба – ёшлар куни муносабати билан Самарқанд агроинновациалар ва тадқиқотлар институтига ёшлар ва депутатлар ўртасида очиқ ва самимий учрашув бўлиб ўтди. Унда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдулло Асланов** ҳамда партиянинг Самарқанд вилояти кенгаши раиси, 10-Оқдарё сайлов округидан сайланган вилоят кенгаши депутати Илҳом Ботиров иштирок этди.

Юзма-юз мулоқот давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса, ёшларга қаратилаётган эътибор ва имкониятлар хусусида сўз борди. Шунингдек, партиянинг ёшларга оид 20 дан ортиқ лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди. Ушбу лойиҳаларда йўл-қизларни фаол иштирок этишга чорлашди. Ахборот хуржлари ва турли мафруравий таҳдидларга қарши иммунитетни кучайтириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари хусусида фикр алмашилди.

Депутатлар Оқдарё туманида ўтаётган “Маҳалланинг ишбилармон аёли” танловини иштирокчилари фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди. Чорбоғ маҳалласида тадбиркор ва томорқачи аёллар кўп. Улардан бири Жамила Турсунова. У 4 сотихли томорқачида замонавий иссиқхона ташкил этиб, сархил кўкатлар етиштирмоқда. Картошка, булғор қалампирини ва қарам ҳосилидан ҳам оила даромадига муносиб ҳисса қўшмоқда. Чорвачилик ва паррандачиликни ҳам баробар олиб борапти.

Нодира Жиянова иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамасдан, 8 сотих ер майдонида оиласи билан иссиқхона лимончилик билан шуғулланыпти. Айни пайтда 115 тулдан зиёд лимон дарахтлари парвариланмоқда. Олти йилдан буюн фаолият юритаётган тадбиркор учинчи йилдан бошлаб ҳосил олишга эришди ва бугунги кунда йиллик даромади ўртача 150 миллион сўмга етмоқда. Меҳнат бесапар кетмайди, лимонария ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бораётгани бос маҳалласидаги ўн нафар хотин-қизни ҳам иш билан таъминлади. У томорқачида паррандачилик қилиб, қўшимча даромад топмоқда.

\*\*\*

**Халқ депутатлари Жомбой туман кенгашига О‘зЛиДеРдан сайланган депутат Нодир Тўраев** ташаббуси билан ҳудуд аҳолисини узоқ йиллардан буюн қийнаб келаётган қатор муаммоларга ечимлар топилиди. Яъни Сарикўпчи маҳалласида қарийб ўн йилдан бери муаммо бўлиб келган ичимлик суви таъминоти масаласи ижобий ҳал этилди. Аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Яроқсиз 3 километрлик йўллар тўлиқ асфальтлаштирилди. Натижада аҳоли ва транспорт қатнови яхшиланди.

## СУРХОНДАРЁ



**О‘зЛиДеР** ҳамда унинг **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ** Сурхондарё вилоятида бўлишди. Шеробод туманидаги “Euro med plus” даволаш ва диагностика маркази фаолияти билан танишиш жараёнида тиббий хизматлар, замонавий ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси ҳамда малакали мутахассислар фаолияти алоҳида ўрганилди.

“Шаймон бобо” фермер ҳўжалигида амалга оширилаётган ишлар, етиштирилаётган маҳсулотлар ҳамда агротехник тадбирлар ҳам эътибордан четда қолмади. Ғалла майдонлари ҳамда мевали дарахтларни кўздан кечириб, уларнинг ҳолати, парвариши ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига эътибор қаратишди. Шунингдек, самарадорликни ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш борасида фермер билан фикр алмашилди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Шоира Ражабова** Жарқўрғон туманидаги Янги Ўзбекистон массивида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Ижтимоий инфратузилма объектларини, ободонлаштириш ишлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳолатини ўрганди.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари билан учрашиб, улар томонидан аҳоли муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш ва профилактика ишларини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Фаолларнинг фикр ва таклифларини тинглаб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолига янада қулай шароитлар яратиш бўйича зарур тавсиялар берди.

## ХОРАЗМ



**О‘зЛиДеР** Бобот туман кенгаши ташаббуси билан “Депутат инвесторга маддадор” лойиҳаси доирасида жойларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни жойида ўрганиш ва уларга тезкор ечим топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Навбатдаги ўрганишлар Бобот тумани Кўнабирлашув маҳалласида жойлашган “Собижон Бобуржон” МЧЖда олиб борилди. Унда депутат Маҳмуджон Машарипов ҳамда аппарат раҳбари Азамат Аҳмедов иштирок этди.



Мазкур корхона чиқиндиларни қайта ишлаш орқали полиэтилен ва гранула ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлиб, бу орқали нафақат экологик муаммолар камайтирилмоқда, балки иқтисодий самарадорликка ҳам эришилмоқда. Айни пайтда тадбиркор томонидан 80 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилиб, қўшимча цех ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилган, яна 20 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Тадбиркор корхонанинг тўлиқ қувват билан узлуksиз ишлашига тўсқинлик қилаётган асосий муаммолардан бири – электр қучланишининг пастлиги ва янги трансформатор ўрнатилган бунёд аҳоли сўраб мурожаат қилди. Халқ вакили мазкур муаммони ўз назоратига олиб, тегишли ташкилотларга сўров юборди ҳамда қисқа муددатларда ижобий ечим топиш бўйича амалий чоралар кўрилишини билдирди.

\*\*\*

**Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашида ижтимоий ҳимоя масалаларига бағишланган жамоатчилик эшитиш ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Бердиева, О‘зЛиДеР вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ислам Файзуллаев** ва фаоллар иштирок этди.

Эшитишда вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан бошқарма бошлиғи Жасурбек Йўлдошевнинг ҳисоботи тингланди. Қайд этилганидек, 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида 185 та кўп квартиралли уй-жойни таъмирлаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиблиб, белгиланган ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, тегишли қарорлар асосида 10,4 млрд сўм бюджет маблағлари ҳисобидан вилоятдаги 27 та лифт янгисига алмаштирилди.

Жорий йилда амалга оширилаётган ишлар ҳам аниқ белгилаб олинди. Жумладан, қарийб 18 млрд сўм маблағ ҳисобидан кўп квартиралли уйлар агрофи ободонлаштирилиб, 44 та болалар майдончаси барпо этилади, ирригация тармоқлари янгиланади, йўлақлар бетонлаштирилади ҳамда ташқи инфратузилма яхшиланади.

Эшитишда айрим ҳудудлардаги камчиликлар ҳам очиқ танқид қилинди. Хусусан, Урганч шаҳри Бўстон маҳалласида ободонлаштириш, инфратузилма ва коммунал хизматларнинг кўнгилдагидек эмаслиги аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлаётгани таъкидланди.

\*\*\*

**Парламент куйи палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Руслан Собиров** Кўшкўпир тумани маҳаллаларида ташаббусли бюджетда ғолиб бўлмаган лойиҳаларни ўрганди. Незаҳос, Амирқум, Қоравул, Ёшлик маҳаллаларида бўлиб, фуқаролар томонидан илгари сурилган, лекин овоз бериш босқичида етарлича овоз олмаган ташаббуслар билан яқиндан танишди.

Депутат мулоқотларда ташаббусли бюджетда фаол иштирок этиш, лойиҳаларни кенг жамоатчиликка етказиш ва овоз тўплаш механизмларини самарали ташкил этиш муҳим эканини таъкидлади. Шунингдек, келгусида бундай ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга ошириш бўйича амалий чоралар кўриш зарурлигини қайд этди.

**О‘зЛиДеР** ишчи гуруҳининг ҳудудлардаги ўрганишлари шуни кўрсатмоқдаки, халқ билан мулоқот – бу шунчаки учрашув эмас, балки қонунчиликни ҳаётга яқинлаштириш ва фуқаролар турмуш даражасини реал яхшилаш воситасидир.

**О‘зЛиДеР** ҳудудий кенгашлари матбуот хизматлари тақдим этган материаллар асосида “XXI as” муҳбири **Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА** тайёрлади.

# ЯНГИ БОСҚИЧ ВА УЛКАН ИШОНЧ ТИМСОЛИ

**Шу кунларда юртимиз саноатидаги муҳим воқеалардан бири шубҳасиз 3-Мис бойитиш фабрикасининг ишга туширилиши бўлди. Бу нафақат комбинат ходимлари, балки бутун халқимиз учун ҳам улкан аҳамиятга эга ҳодиса ҳисобланади. Мухбиримиз Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати ва O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Абдулла Хурсанов билан мулоқотда бўлди.**



белгила берилди. Шунингдек, Саноат кенгаши ташкил этиш бўйича ҳам топшириқ берилди. Бу кенгаш тармоқдаги барча корхона ва таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

## – БУГУНГИ КУНДА ДУНЁДА МИС БОЗОРИ ҚАНДАЙ АҲВОЛДА? ЎЗБЕКИСТОН БУ БОЗОРДА ҚАНДАЙ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ?

– Ҳозир дунё миқёсида мисга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу асосан электр тармоқлари, электро-мобиллар, қайта тикланадиган энергия манбалари, шунингдек, юқори технологияли маҳсулотлар билан боғлиқ. Жаҳон бўйича рафинация қилинган мисга талаб ҳозирги кунда 27 миллион тонна атрофида бўлиб, 2035 йилгача 33 миллион тоннагача ўсиши кутилмоқда.

Бу борада Хитой етакчи давлат ҳисобланади. У жаҳон мис бойитиш ва рафинация маҳсулотларининг тахминан 40–45 фоизига эгаллик қилади. Хитой нафақат катта қувватга эга, балки хом руда импорт қилиб, уни бойитиш, эритиш ва катод мисга айлантиришда замонавий технологиялардан фойдаланади. Шу билан халқор бозорда мис нархлари ва тайёр маҳсулот экспортга катта таъсир кўрсата олади.

Биз ҳам Олмаликдаги 3-Мис бойитиш фабрикаси орқали ўз қиймат занжиримизни мустақамлашмоқчимиз. Масалан, хом рудадан тайёр катод мис ёки кабель маҳсулотлари чиқариш орқали, ҳар тонна мисдан олинмаган қийматли бир неча баробар ошириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, биз нафақат металл етказиб берадиган давлат бўлиб қолмаймиз, балки тайёр, юқори қийматли маҳсулот ишлаб чиқарадиган халқор иштирокчига айланамиз.

## – ДЕМАК, БУ ЛОЙИХА НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ, БАЛКИ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ҲАМ ЭГА, ШУНДАМИ?

– Ҳа, албатта. Бу фақат пул топиш эмас, балки Ўзбекистон мис саноатини халқор миқёсда рақобатдорлигини оширади. 3-Мис бойитиш фабрикаси орқали хом рудадан катод мис, кабель маҳсулотлари ва тайёр металл чиқариш имкони пайдо бўлади. Бу экспорт тушумларини сезиларли ошириш баробарида халқор инвесторлар учун ҳам жозибдорликни оширади. Негаки, хорижий инвесторлар асосан юқори технологияли, рақобатбардор ва қиймат яратадиган саноат тармоғига эътибор қаратади.

Шунингдек, халқор шерикликлар учун ҳам имконият яратилади: мис, олтин ва кумуш каби қimmatли металлургия тайёр маҳсулот шаклида экспорт қилиш орқали Ўзбекистон мис саноати халқор бозорда интеграциялаша олади. Мисол учун, қўшни давлатлар ва Европа компаниялари тоза энергия, электр техникаси ва замонавий инфраструктура лойиҳалари учун мис маҳсулотларига катта талаб кўймоқда.

Қисқаса айтганда, бу лойиҳа фақат пул ишлаб топиш учун эмас, балки саноатимиз қиймат занжирини чуқурлаштириб, халқор бозордаги позициямиз ва стратегик шериклик имкониятларимизни оширади.

## – СИЗ КЕЛТИРАЁТГАН РАҚАМЛАРГА КЕЛСАК, ФАБРИКА ҚАНЧА РУДАНИ ҚАЙТА ИШЛАЙДИ ВА ҚАНЧА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ?

– Бугунги босқичда 3-Мис бойитиш фабрикаси йилига 60 миллион тонна руда қайта ишлаш қувватига эга бўлади, ОКМК бўйича жами 100 миллион тонна. Бу қувват фақат дастлабки босқич, кейинчалик иккинчи босқичда (4-Мис бойитиш фабрикаси ишга тушиши эвазига) 160 миллион тоннагача оширилади. Шу билан бирга, 2028 йилга келиб, йилига тахминан 400 минг тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш ишлаб чиқариш режалаштирилган.

## – АБДУЛЛА ХОЛМУРОВОВИЧ, ОХИРГИ САВОЛНИНГ МАМЛАКАТ СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЭТАКЧИЛИК МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СИЗ РАҲБАРИК ҚИЛАЁТГАН УЛКАН КОРХОНАДАГИ БОШЛАРЛИК ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД: ХЎШ, БИЗНИНГ МАСЛАКДОШЛАРИМИЗДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎҚМИ?

– Бўлмасам-чи, азбаройи бошқа сиёсий кучларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини қамситмаган ҳолда айтишим керакки, шахсан ўзим ҳам мансуб бўлган O'zLiDePнинг комбинатимизда амалга оширилаётган тарихий ислохотларда тугган мавқеа, обрўси ва иштироки ибратлидир. Масалан, партия Олмалик шаҳар кенгаши қошидаги БПТлар орасида жамиятимизда тузилган 118 та куйи бўғинлар фаолиятини алоҳида фахр билан тилга олишни истардим. Чунки шундай гигант жамоанинг 24 415 нафари бевосита Тадбиркорлар ва ишбилармонлар партиясининг фаол аъзолари экани жиддий масъулият юклайди бизга. Қолаверса, уларнинг каттагина қисми ёшлардан иборатлигига ҳам урғу беришим лозим. Шундай экан, барчамизнинг мақсадимиз битта: Янги Ўзбекистонимиз ҳамда Учинчи Ренессанс пойдеворини мустақам қилиб яратишда фидойилик намуналарини кўрсатиш. Бу залворли ва машаққатли йўлда барчамизга омад ҳамиса ёр бўлсин!

“XXI as” мухбири  
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ ёзиб олди.

## – АБДУЛЛА АКА, 16 МАРТ САНАСИ ЮРТИМИЗ СANOАТИ ТАРИХИДА УЧМАС ИЗ ҚОЛДИРГАН КҮН СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛСА, МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ, ДЕБ УЙЛАЙМИН. БУ ФИКРГА МУНОСАБАТИНГIZ ҚАНДАЙ?

– Албатта, бу кун нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон саноат ҳамжамияти учун ҳам аҳамиятли воқеаларга бой бўлди. Айнан шу кунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Олмалик кон-металлургия комбинати”га таширф буюриб, юртимиздаги энг йирик саноат лойиҳаларидан бири 3-Мис бойитиш фабрикасини расман ишга тушириш маросимида иштирок этди.

Очигини айтганда, бу сана комбинат жамоаси учун узоқ кутилган ва улкан аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеалиқдир. Чунки мазкур лойиҳа нафақат ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Бу воқеа, айниқса, Янги Ўзбекистонда саноатни модернизация қилиш, стратегик тармоқларни ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлди. Шу маънода, 16 март нафақат биргина корхона эмас, балки бутун мамлакатимиз саноати тараққиётида янги босқични бошлаб берган муҳим сана сифатида тарихда қолади.

## – ТАШИРФ ТАФСИЛОТЛАРИНИ КУЗАТДИК. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ИШЧИ-ХОДИМЛАР БИЛАН САМИМИЙ МУЛОҚОТДА БЎЛГНИ, ТАБИИКИ, КЎПЧИЛИКНИ РУҲЛАНТИРДИ. ШУ ҲАҚДА ФИКРЛАРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

– Ҳақиқатан ҳам, учрашув жуда очиқ, ошқора ва ишчанилик руҳида ўтди. Президентимиз ҳар биримиз билан қўришиб, ҳол-аҳволимиз билан қизиқди, заҳматли меҳнатимизни юксак баҳолади ва эришилган муваффақиятлар билан чин дилдан қутлади. Айниқса, меҳнат фахрийлари, қурилишда иштирок этган мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар ҳамда ёшлар билан бўлган мулоқот барчамизда катта таассурот қолдирди. Буни юксак эътироф, катта ишонч ва эътибор рамзи сифатида қабул қилдик. Таъкидлаш керакки, бу учрашув комбинатимизнинг ҳар бир ходимини руҳлантириб юборди.

## – БУГУН ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА БУРЧАКЛАРИДА 3-МИС БОЙИТИШ ФАБРИКАСИНИНГ ДОВРУГИ ШУНЧАЛИК ОШИБ КЕТГАНИГА САБАБ НИМА ДЕБ УЙЛАЙСИЗ?

– Бу лойиҳанинг нафақат Олмалик шаҳри ёки Тошкент вилояти, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиёти учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини халқимиз тўла англаб етмоғи лозим. Чунки 3-Мис бойитиш фабрикаси фақат саноат объектиси эмас – у кенг қаровли иқтисодий экотизимни шакллантирадиган йирик лойиҳадир. Инфраструктура объектлари билан биргаликда қарийб 11 мингта янги иш ўрни яратилиши эса аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлади. Шу билан бирга, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳалари ва маҳаллий тадбиркорлик учун ҳам қўшимча имкониятлар очилади.

Энг муҳими, мис, олтин ва кумуш каби қimmatли металлургия чўқур қайта ишлаш орқали юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Масалан, мис катодини хомашё сифатида экспорт қилиш билан чекланиб қолса, унинг қиймати нисбатан паст бўлади. Бироқ ушбу маҳсулотни юқори технологияли қайта ишлаш орқали – турли ўлчамдаги эмалланган мис симларига айлантириш натижасида ҳар бир тонна маҳсулот қиймати бир неча баробарга ошади.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ташқи савдо тушумини кўпайтириш, валюта тушумларини ошириш ва саноатда чўқур қайта ишлаш улушини кенгайтиришга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, мазкур лойиҳа нафақат янги иш ўринлари ва экспорт салоҳиятини оширади, балки Ўзбекистоннинг жаҳон мис бозоридаги ўрнини мустақамлаб, уни рақобатбардор саноат давлати сифатида намоён этади.

## – КОРХОНАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ НИМАДА?

– Ушбу фабрика, рақамлаштирилган марказий бошқарувга эга замонавий ечимдаги улкан мегалоиҳа десак ҳам муболаға бўлмайди, албатта! “Ёшлик – 1” конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Қурилиш майдони 196 гектарни ташкил этиб, умумий қиймати қарийб 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг. Бу кўрсаткичлар комбинатни нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиёдаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи саноат мажмуаларидан бирига айлантирди.

Унда ҳар бири йиллик 5 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлган 12 та замонавий тегирмон ишлайди. Тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг йиллик рудани қайта ишлаш қуввати 60 миллион тоннага етади. Бу эса мавжуд 1 ва 2-Мис бойитиш фабрикаларининг рудани қайта ишлаш қувватлари жамланганига нисбатан 1,5 баробар кўп дегандир.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, битта тегирмоннинг ўзи 2-Мис бойитиш фабрикасининг умумий қувватига тенг келади. Бу эса ушбу корхонанинг технология салоҳияти нақадар юқори эканини яққол намоён этади.

Шунингдек, фабрикада замонавий автоматлаштириш,

рақамли мониторинг ва интеллектуал бошқарув тизимлари жорий этилган бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Мазкур фабрика нафақат бугунги куннинг йирик саноат объекти, балки келажакда мамлакатимиз саноат салоҳиятини янги босқичга олиб чиқадиган стратегик пойдевордир. Насиб этса булар ҳали бошланиши, олданда янада каттароқ ишлар кутиб турибди.

## – СANOАТЧИЛАРГА ХОС БЎЛГАН “ҚАЙТА ИШЛАШ” ДЕГАН ИБОРАНИ БИЗГА ОДДИЙРОҚ ҚИЛИБ ИЗОҲЛАБ БЕРА ОЛАСИЗМИ?

– Албатта! Биз рудадан мис ва бошқа металлургия ажратиб олиб, уни тайёр ва қimmatли маҳсулотга айлантираемиз. Масалан, мис бойитиш фабрикаларида хом рудани қайта ишлаш натижасида таркибида мис, кумуш, олтин ва бошқа қimmatли элементларни сақловчи мис ва молибден концентрати ишлаб чиқарилади. Мис эритиш заводида эса мис концентратини қайта ишлаш натижасида тайёр мис катоди, кумуш, олтин ва бошқа қimmatли металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мис катодини қайта ишлаш натижасида эмалланган мис сими, кабеллар каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бунинг иқтисодий аҳамияти катта: мис катоди экспорт қилинса, бир тонна миснинг қиймати тахминан 11–12 минг доллар бўлади, аммо уни қайта ишлаш натижасида, бир тонна маҳсулот қиймати 20 – 30 минг долларга чиқади. Яъни бир тоннадан ҳар томонлама қўшимча қиймат яратилади.

Шунингдек, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш орқали мамлакатимиз ғазнасига кўпроқ валюта тушади. Масалан, Ўзбекистон 2020 йилда 124 минг тонна мис маҳсулотини экспорт қилиб, 729 миллион доллар валюта олган. Қўшимча қийматли маҳсулот экспортисиз бу миқдор сезиларли даражада камроқ бўлар эди. Шу боис қайта ишлаш орқали қиймат занжирини мустақамлаб, иқтисодий фойда ҳамда халқор бозордаги рақобатбардорлигини ошириш мумкин.

Бу жараён фақат пул учун эмас, балки юқори технологияли иш ўринлари, маҳаллий корхоналарнинг ривожини ва саноат интеграцияси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

## – ХЎШ, БУГУНГИ КУНДА ФАБРИКАГА ҚАНДАЙ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ?

– Биз бу ерда энг илғор технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратдик. Масалан, майдалаш жараёнида HPRG (юқори босимда майдалаш) технологияси қўлланилиб, янчиш жараёнида 1-босқич янчиш жараёнидан воз кечилган, натижада харажатлар тахминан 20 фоизга қисқарди.

Флотация жараёнида онлайн анализаторлар жорий қилинди. Илгари намуна таҳлили учун 12 соат вақт кетар эди, ҳозир эса бу жараён 5-6 дақиқа ичида амалга оширилади. Бу эса металл йўқотилишини кескин камайтириш имконини бермоқда.

Шунингдек, гравитацион бойитиш ва вертикал биссерли тегирмонлар ҳисобига олтин ажратиб олиш ҳажми ҳам ошди.

## – ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАРАЁНЛАР ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРЯПТИ?

– Жуда юқори. Масалан, фабриканинг селектив флотация цехида йилга 1500 тонна молибден концентрати ишлаб чиқарилади ва мис эритиш заводида молибден концентратини қайта ишлаш натижасида 870 килограмм рений ажратиб олинади. Бу жуда катта кўрсаткич.

Яна бир муҳим жиҳат – мис катоди ишлаб чиқариш билан бирга қўшимча маҳсулотлар ҳам олинапти. Ҳар бир тонна мисга мис равишида 6 тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқарилади. Бу эса кимё саноати, айниқса, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда жуда муҳим аҳамиятга эга.

## – ЯНА МАМЛАКАТ СANOАТИДА ЖИДДИЙ БУРИЛИШ ЯСАГАН 3-МИС БОЙИТИШ ФАБРИКАСИГА ҚАЙТАМИЗ: УШБУ КОРХОНАНИНГ ЖУДА ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА ИШГА ТУШИРИЛИШИДА ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБДИ. АЙНИКСА, FLSMIDTН КОМПАНИЯСИ ВАКИЛИ ПИТЕР ФЛАНАНАННИНГ БИЛДИРГАН ФИКРЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИКДА КATTA ҚИЗИҚИШ УЙГОТДИ.

– Ҳа, тўғри таъкидладингиз. Бу лойиҳа фақат маҳаллий эмас, балки халқоро ҳамкорлик самараси ҳамдир. Дунёнинг етакчи компанияларидан бири бўлган FLSmidth билан ҳамкорлик қилиш биз учун катта тажриба мактаби бўлди.

Дарвоқе, компания вице-президенти Питер Фланаган, кузатган бўлсангиз, шундай деди: “ОКМК билан ҳамкорлик қилиш биз учун шараф. 3-Мис бойитиш фабрикаси – нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун технологик инқилоб!” Бундай самимий эътирофлар шунчаки мақтов эмас, балки катта меҳнатимизга берилган ҳолисона баҳо-дир.

Яна бир қизиқ жиҳат – бу компания Чилида худди шундай фабрикани 8 йилда қурган бўлса, биз бу лойиҳани 4 йилда амалга оширдик. Шунинг ўзи ҳам юртимиздаги ислохотлар суръати ва имкониятларининг даражасини белгиловчи ўзига хос яққол исбот, десак хато бўлмайди.

## – ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШИРФ ДАВОМИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ МАСАЛАСИГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ. КОМБИНАТДА УШБУ ЙЎНАЛИШДА ҚАНДАЙ ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА?

– Бугунги саноатни рақамлаштириш тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис 3-Мис бойитиш фабрикасида замонавий Рақамлаштирилган бошқарув маркази ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари бу марказ фаолияти билан танишар экан, сунъий интеллект имкониятларидан тўғри фойдаланиш бўйича оқилона маслаҳат, йўл-йўриқларини бериб ўтди.

Чунки сунъий интеллект орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш мумкин. Масалан, барча жараёнлар онлайн назорат қилинади, маҳсулот сифати доимий кузатиб борилади, ҳар қандай йўқотиш ёки техник носозликлар олдиндан аниқланади. Энг муҳими – оғир саноатда инсон омили билан боғлиқ хавф-хатарлар камаюди.

## – ШУНИНГ БАРБОРИДА ТАШИРФ ДОИРАСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА ПАТЕНТ МАСАЛАЛАРИ ҲАМ КЎТАРИЛДИ. БУ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

– Кўряпмиз, замон ўзгаряпти, одамлар ўзгаряпти, талаб ва эҳтиёжлар кўлами ҳар дақиқада такомиллашмоқда. Янгилашмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз ушбу жараёнлардан келиб чиққан ҳолда, тараққиёт босқичларига мос тарзда узоқни кўзлаб бажарилмаган вазифаларни белгилаб берди. Яъни фабрикада қўлланилаётган ҳар бир илмий ва технологик ечимини патентлашмиш керак.

Булар фақат ҳужжат ёки расмиятчилик учун эмас, балки улар янги технология дегани, янги ишлаб чиқариш дегани, энг муҳими, янги бозорларга чиқиш дегандир. Шу орқали ОКМК келажакда нафақат маҳсулот, балки инновацион ечимларни ҳам экспорт қиладиган марказга айланади.

## – АБДУЛЛА АКА, ЭНДИ ЯНА ЖИДДИЙ САВОЛ ТУҒИЛАДИ. ЭНГ СУНЪИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ҚўРИЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА УЧУН КАДРЛАР МАСАЛАСИ МУАММО ТУҒДИРМАЯПТИМИ? ЧУНКИ, БИЛАСИЗ, БИР ЗАМОНЛАР МАҲАЛЛИЙ КАДРЛАР ХУДДИ ШУНДАЙ ВАЖ-БАҲОНАЛАР БИЛАН ЧЕТГА СУРИБ ҚўЙИЛГАН...

– Тўпна-тўғри айтяпсиз, ростданам, авваллари бу энг оғриқли масалалардан бири эди. Бугун бу борада хавотирга асло ўрин йўқ деб айта оламиз. Аввало, рақамлаштирилган, юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнларида юксак малакали кадрларга эҳтиёж катта.

Президентимиз ташаббуси билан 2024 йилда комбинат хузурида Муҳандислик мактаби очилганидан кўпчилик хабардор. Буни қарангки, ана шу муассасанинг ташкил этилиши юқорида сиз айтётган муаммога аниқ ечим бўлди. 2025 йилда эса МТТУ МИСиС (Россиянинг “МИСиС” Миллий технологик тадқиқот университети) Олмалик филиали қошида Илғор муҳандислик мактаби ташкил этилди ва айнан ана шу ўқув масканлари 3-Мис бойитиш фабрикаси учун етук мутахассислар тайёрлашда энг муҳим ўрин тутди.

Ёшларимиз бугун замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаб, эртанги саноатимизнинг асосий кучи бўлиб етишмоқда.

(Тахририят изоҳи: ўтган йилнинг кеч кузигада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, партия Тошкент вилоят кенгаши фаоллари ҳамда тахририятимиз ижодкорлари “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ фаолияти билан яқиндан танишмоқ ниятида борганимизда ОКМК бошқаруви раисининг Ходимлар ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Саъди ака Шерматов Муҳандислик мактаби Европанинг мис саноати соҳасидаги йирик “Aurubis” (Германия) компаниясининг мутахассисларини қайта тайёрлаш ва ўқитиш бўйича тажрибаси асосида йўлга қўйилгани, биринчи босқичда геология, кончилик, кон саноати транспортлари, маркшейдерлик иши, фойдали қазилмаларни бойитиш, металлургия, механика, энергетика, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш йўналишларида фаолият олиб бораётган, иккинчи босқичда эса комбинат ва Ўзбекистоннинг бошқа саноат корхоналари учун 18 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланаётгани, асосийси, тингловчилар информатика ва инглиз тили фанлари бўйича чуқурлаштирилган тартибда ўқитилаётганини фахрга тўлиб сўзлаб берган эди).

## – ДАВЛАТ РАҲБАРИ ТАШИРФИ ДОИРАСИДА ЎТҚАЗИЛГАН ЙИҒИЛИШ ВА УШБУ СОҲА ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ТОПШИРИКЛАР ИЖРОСИНИ ҲАЁТГА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

– Хабарингиз бор, худди шу кунга фабриканинг ўзида Президентимиз раислигида металлургия саноатини ривожлантириш бўйича катта йиғилиш бўлиб ўтди ва аниқ вазифалар урғуга ташланди. Жумладан, янги металлургия мажмуасини барпо этиш, 4-Мис бойитиш фабрикаси қурилишини жадаллаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, энергия самарадорлигини ошириш, экологик барқарорликни таъминлаш каби муҳим йўналишлар

ФИДОЙИ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ТЕХНИКАСИЗ ФЕРМЕР – ҚУРОЛСИЗ АСКАР...МИ?

Сўнги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган...



Қишлоқ одамнинг дарди бир: ернинг тилини топиш орқали ўз рўзғори, қолаверса, эл-улуснинг дастурхонини бутлашни хоҳлайди. Менинг ҳам ўтирсам-турсам, барча ўй-хаёлим далада...

ларни татбиқ қилди, экинларни алмашлаб экиш тизимини йўлга қўйди. Айниқса, тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб...

кали келди. 165 гектар майдонда етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил кўтарилди. Дон, пахта, сабзавот-полииз ва боғдорчилик йўналишларида белгиланган режалар нафақат тўлиқ бажарилди...

Хабибулло МАМАРАСУЛОВ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕК – АФҒОН БИЗНЕСИ УЧУН ЯНГИ ДАРВОЗА

Пойтахтимиздаги "O'zbekspomarkaz" миллий кўргазмалар мажмуасида "Made in Afghanistan Expo – Tashkent 2026" халқаро кўргазмаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан юқори савияда ташкил этилди.

Очилиш маросимида икки давлатнинг вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ишбилармон доиралар вакиллари, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур кўргазма Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, уларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини урғулашди.

Расмий маълумотларга кўра, 2025 йил якунлари бўйича икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси қарийб 1,68 миллиард долларни ташкил этди. Шундан Ўзбекистоннинг Афғонистонга экспорти 1,53 миллиард долларга тенг бўлса, импорт ҳажми 145 миллион доллардан ошган.

тонда ишлаб чиқарилаётган турли йўналишлардаги маҳсулотлар – озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, тўқимачилик ва заргарлик буюмлари, гиламлар ҳамда миллий хунармандчилик намуналари кенг намоиш этилмоқда.

ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва инвестициявий алоқаларни кенгайтиришда муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

Мусурмон РЎЗИЕВ, "XXI asr" мухбири

САРҲИСОБ

"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ" АТБ



2025 йил давомида банкнинг молиявий кўрсаткичлари барқарор ўсиш динамикасини сақлаб қолди. 2026 йил 1 январь ҳолатига банкнинг умумий капитални 5,27 трлн сўмга етди.

ИННОВАЦИОН МОЛИЯВИЙ ЕЧИМЛАР ВА ЯНГИ ХИЗМАТЛАР САРИ

Бу ҳақда "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБнинг 2025 йилдаги фаолияти якунлари муҳокамаси ва жорий йилги режалар тақдироти бағишланган матбуот анжуманида маълумот берилди.

ўз олдига қўйган мақсадларига эришиб келмоқда, – деди "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Стратегия бош директори Бахтиёр Раҳматов. – Буни ўтган йилда банк томонидан эришилган натижалар яққол кўрсатиб турибди.

млн сўмга ёки 8,9 фоизга ўсишга эришилганини аниқлатади. Кўрилаётган чоралар ва кўрсатилган хизматлар мижозлар сони ҳам интенсив равишда ошиб боришига замин яратмоқда.



та янги иш ўрни яратилди. Банкимизга республика бўйича 610 та маҳалла бириктирилган бўлиб, 2025 йилда мазкур маҳаллаларда жами 5 трлн 215 млрд сўм миқдорда кредит ажратилди.

ри ўтган йилга нисбатан 202 фоизга ёки 953,1 млрд сўмга кўп ажратилди. Тадбирда банкнинг яқин истиқболдаги устувор вазифаларига ҳам қисқача тўхталиб ўтилди.



Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, "XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

Сўнги машҳур шоир



...Кўл телефоним одатдагидан ўзгачароқ жиринглади. Демак, хориждан кўнғироқ бўляпти ва экранда "Яшар ака" деган ёзув кўзга ташланди. Ўзбекистонда таълим олган, ўзбек ҳамда озар адабиётининг чин билимдони, забардаст олим, юрагида қадим аждодларимизнинг ёди ва шони мужассам, буюк Туроннинг асл фарзанди Яшар Қосим Боқудан кўнғироқ қилаётган экан.

Яшар ака қизгин салом-алиқдан сўнг Тошкент об-ҳавоси, бугунги адабий жараёнлар ҳақида сўради. Ҳар бир гап-сўзида ички бир соғинч уфуриб турарди унинг. Узаро суҳбат асосида ўзи фаол иштирок этган XX аср сўнги йилларидаги ўзбек адабий муҳити, ажиб давралар, шеърхонликлар, маслакдош дўстлари, шоир ўзвучилар ҳақида тўхталди. Жумладан, Муҳаммад Юсуф ижоди, шахсияти хусусида алоҳида гапириб, дабдурустдан "Сиз у кишини яхши билармидингиз?" деб сўраб қолди. Мумкин, ёшимиздаги тафовутни, қолаверса, шоир бу дунёни жуда эрта тарқатиб кетганини ҳисобга олиб, мени кўришмаган, эҳтимол, ҳамсуҳбат бўлмагандир деб ўйлаган...

Бироз аввалроқ худди шундай иштибоҳ Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг турмуш ўрғоти, ўзига ҳос ижодкор Назира Ассалом томонидан ҳам билдирилганди. Бухорода ўтган бир шеърят анжуманида сўз беришганда, мен мавзу доирасида гапириб, жаннатмакон устозлар – Тилка Жўра ва Муҳаммад Юсуф ҳақидаги хотираларимни ҳам ўртоқлашган эдим. Ушанда Назира опа "Муҳаммад ака билан анча яқин бўлган экансиз-а? Мен бунни билмас эканман", деганди ажабланиб. Шунда доврўғи баланд шоир билан илк танишувим, ҳамкорлигим, самимий муносабатимиз, умуман, у киши ҳақида нимадир қоралашни кўнглимга тугиб қўйгандим.

Хўш, илк танишув қачон рўй берган? Учрашув эмас, танишув! Бу ўтган асрнинг саксонинчи йиллари "Ёшлик" журнали саҳифаларида бўлганди. Журналда эълон қилинган "Танқар даладарда пахта терадим", "Энди чексам сигаретамдан / Атиргулнинг иси келди" каби ҳайратомуз шеърлари билан дарров кўпчиликка танилган шоир бироз ўтиб "Таниш тераклар" китобчасини эълон қилиб ғойибона кадрдонимга айланди. 1985 йил ТошДУ – ҳозирги Ўзбекистон миллий университети журналистика факультетининг ўша пайтдаги талабалари бир гуруҳ шуғулланган суҳбатига аржуманд бўлганди. Англаганингиздек, улар орасида каминга ҳам бор эди. Шу учрашувда номдор ижодкорлардан бири "Давраимизда адашим, эндигина битта – пиёзнинг пўстидек кина китобчаси чиққан ёш шоир Муҳаммад Юсуф ўтирибди. Тан олиб айтадиган бўлсам, ҳозир унинг мухлислари меникидан ҳам неча баробар кўп", дея самимий эътироф ила узн бўлип, озгина, қорачандан келган бир йилгитта ишора қилганди. Аслини олганда, бу танишувга эҳтиёж йўқ эди. Юпқагина, арақлари титиллиб кетай деб қолган китобча мукновасидаги сурат соҳибини аллақачон ҳамма ўз акасини танигандай таниб турарди. Чунки кейинчалик ўзим кўп бора гувоҳ бўлганимдек, Муҳаммад Юсуф асло суратда бошқа, ҳаётда бошқа одамлар тоифасидан эмас эди. Тақдир экан, шоир билан яқиндан танишиб, ҳамсуҳбат бўлишим учун эса орадан бир неча йиллар ўтди.

Бу пайтда мен икки йиллик ҳарбий хизматни адо этиб келган, юқори босқич талабаларига истисно тариқасида бериладиган имкониятдан унумли фойдаланиб, "Ёш ленинчи" – "Туркистон" (ҳозирги "Ёшлар овози") газетасида ишлардим. Бу нашр гарчи ижтимоий-сиёсий мавзуларга ихтисослашган бўлса-да, унинг саҳифаларида маданият, адабиёт ва санъатга оид мақолалар ҳам катта-катта ҳажмларда эълон қилинаверарди. Қолаверса, мустақиллик арафасида халқимизнинг айнан зиёли қатлами матбуотда эл дардини очик-ошқора айта олиши билан доврўқ қозонган эди. Шу боис шахсан бош муҳаррир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоқов ташаббуси билан "Бешинди қаваддаги учрашув" деган янги ружу очилиб, унда машҳур сиёсатчи, иқтисодчи, турли соҳа мутахассислари-ю кўпроқ ижодкорлар суҳбатга қорланарди. Аксарият ўқувчилар шу учрашувларни орзиқиб кутадиган бўлиб қолишган ҳам сир эмас эди. Бунни таъхириятга келаётган саноксиз мактублар баён этиб турарди. Гапнинг қикқаси, даврининг "биринчи рақамли" шоирларидан Муҳаммад Юсуф билан

кечган учрашувни манамен деган мухбирлар бир четда қолиб ёш, умидли журналистлардан деб Нодир Маҳмудов ва менга юқлаб қўйишди. Бу ҳаётимдаги энг унутилмас ижодий топшириқлардан бири бўлганди. Бир хил қолипларни хўш кўравермайдиган Муҳаммад ака учрашувга ёлғиз келмади. Ҳали ёш бўлишига қарамай, кўшиқ ва ичакузди латифалари билан эл олқишига сазовор бўлиб улгурган Достон Убайдуллаев ҳам бирга эди. Мулоқот расмиётчиликдан, бир қолипдаги савол-жавоблардан холи кечди. Ҳамма кўнглида борини яширмай айтди. Биз ҳам бу суҳбатни қандай бўлса, шундайлигича қозғога туширдик, холос.

Яхшиси, ўша дилторан суҳбатдан айрим савол-жавобларни эътиборингизга ҳавола этсам.

\*\*\*  
– Муҳаммад ака, шеър ёзганда йўналиш, оҳанг, мавзунини қандай танлайсиз?  
– Буларни танламайсиз, ўзи келади. Кўчада, одамлар орасида юрсам, мени танганлар билан гаплашиб, гап олиш қийин бўлади. Негаки улар адабиётдан, шеърятдан гапиришади. Агар мени танмайдиганлар билан ҳамсуҳбат бўлсам, қандайдир янги гап чиқади. Яқинда автобусда бир отахон ойнадан ташқарини кўрсатиб: "Ана, ёлғир ерни уйғотяпти", деди. Ахир бундан ҳам чиройли гап бўлиши мумкинми?

– Бир шоир ўзини йўқлаб келганларга танбех бераркан: вақтинми оласизлар, ижод қолиб кетяпти, деб. Сиз инсон, шоир ва ижод масаласига қандай ёндашасиз?  
– Шоирлар ҳар хил. Менга ҳеч ким, ҳеч қачон халақит бермаган. Меҳмон келса, бош устига. Кўнглини олгач, ижодимни давом эттиравераман. Негаки шеърни мен ўтириб ёзмайман. Кўпича юрган йўлимда, хаёлда пишиштиб, ёдлаб оламан. Уйга бориб, фақат қозғога тушираман. Агар билсангиз, яхши одамлар кўп. Яхши инсон баъзан ёмон шоир бўлишим мумкин. Мен уларни яхши, ҳақиқий инсон бўлганлари учун жудаям ҳурмат қиламан. Лекин шеърларини ўқийёлмайман.

– Бир неча шеърларингизни якуни бориб, қабрга, ўлимга, ажалга тақалади. Узингиз шуни қандай изоҳлайсиз?  
– Шу шеърларим учун менга тез-тез эътироз билдиришади. Бу мавзунини Машраб ёзавери, охири қандай ўлим топангани эслайтиб туришади. Лекин шу мавзудаги шеърларимни бошқача ёзолмасдим. Ёзишни бошлаган, шундай яқинлашга мажбурман. Шеър йўналиши, оҳанги шунга олиб келади.

– Аёлларнинг ишлашига қандай қарайсиз?  
– Бу масалани уларнинг ўзига қўйиб бериш керак. Қишлоқ аёллари далада ишлаяпти, деб аюханнос солдик. Ҳўп, улар қаерда ишласин бўлмаса? Бошқа ишлайдиган ери йўқ. Аёл умуман ишламасин, дейдиганлар ҳам бор. Ахир ёлғиз эрининг топанга рўзғорга етмагач, аёл нима қилсин? Ё бўлмаса аёлга фарзанд туққани учун маш тулайлик. Сўнг ишламасин дейлик, майли. Шунда тўғрироқ бўлади.

– Меҳнат, қадр-қиммат, орият деган сўзлар луғатдан тушиб қолмаяптими? Тижорат (олибсотарлик) билан шуғулланаётганларнинг яримдан кўпи жувонлар. Шунга қандай қарайсиз?  
– Ҳақорат қиляпти деманг-у, меҳнат, қадр-қиммат, орият деган сўзларни қадрсизлантираётганлар ҳам асосан ўша тижоратчилар. Биз яшайдиган уйда ҳам икки-учта шундай тижоратчи хонимлар бор. Эрлари хурсанд. Улар "саёҳат"дан келган кунни ён-вериди қўшиларикидан жанжал. Ҳарқалай, бунинг оқибати яхши бўлмаса керак.

Арзимас, қўлнинг кири бўлмиш бойлик дея баъзилар умрини елга совураётганлиги ачинарли ҳол. Ҳозир ёнги шимариб ишлайдиган вақт. Аёлми, эркамми, қўлидан нима иш келса, шуни бажариши керак. Бугун миллат айирадиган вақт эмас. Кимдан нимани ўрга-

ниш мумкин бўлса, шуни ўрганиш лозим. Ҳар дақиқа ғанимат.

– 80-йиллар одамлари ва ҳозирги 90-йиллар киши орасида қандай фарқ кўрасиз?  
– Ҳозир иқтисодий томондан нолувчилар кўп. Лекин улар руҳиятида кўтаринкилик, ишонч, умид устувор. Мустақиллик тадбиркорликка йўл очиб берди. Ақли бор, қўлидан иш келадиган одам ҳор бўлмайди ҳозир. Яна кўпчилик истиқлол туфайли ўзига ишонадиган бўлди.

Ҳар гал қишлоққа борсам, ҳатто онамга мустақилликни мақтагим келади. Лекин уларнинг кўзларига қараб, мендан ҳам кўпроқ суюнаётганликларини сезаман. Бу туйғу эътиқоди, иймонини бут ҳар бир юртдошимиз қалбини тўлқинлантириб турганигича ишонман.

– Агар шоир бўлмаганингизда, қайси касбни танлаган бўлар эдингиз?  
– Шоир бўлмаганимда санъаткор бўлардим. Ёшлигимда киноактёр бўлиш орузим эди.  
– Муҳаммад ака, шеър шоир учун фарзанд, дейишади. Улардан юрагингизга энг яқини қайси?  
– Аввало фарзанднинг яхши-ёмони бўлмайди! Майли, шундай бўлса-да, энг яхши кўрган шеъримни ўқиб бера қолай:

Қаҳрим қаттиқ бўлди,  
Меҳрим қаттиқ бўлди,  
Насиҳати эса олмамд.  
Харифим суюнди,  
Дўстим куюнди,  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Осийш ботмади бирор бир куним,  
Талашиб-тортишиб толмадим.  
"Оғирроқ бўл, иним,  
Сипороқ бўл, иним..."  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Тенгимни билмасдан бир қизни суйдим,  
Суйдим сира қўлмай омадим.  
"Шоҳона яшарми сўзимга кирсанг..."  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Кувроқ бўл дейишди. Ёлғон ҳам керак,  
Жиндақ хушомад ҳам, қулқоқ солмадим.  
Оқни оппоқ кўрдим, қорани қора –  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Кўнглим сезар энди бу ёғи аён:  
Дўстларим, дўстларим, бахтли боламан.  
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўлман,  
Ё қишлоққа қайтиб, ариқ бўйида  
Ялғизга суюнғи, ўлиб қоламан...

– Ватан деганда нимани тушунасиз?  
– Бу жуда муқаддас тушунча. Мен олдин Ватан дейишга уялар эдим. Шундай десам, худди биров устимдан қулаётгандек туюлар эди. Шу мавзуда шеърлар ёзсам, Кремль кўз олдимга келарди. Бундан-да ортиқ хўрлик бўлмаса керак одам боласизга. Шўқр, бахтимиз бор экан. Ота-боболаримиз от сурган, киндик қонимиз томган юртни ғурур билан "меники" деб айта оладиган кунларга етдик. Ҳозир Ватан ҳақида юракдан тўкилиб ёзадиган вақт келди...

\*\*\*  
...Суҳбат эълон қилингандан сўнг биз ёш қаламкашлар ҳам кўча-кўйда керилиброқ юрганмиз рости: кимсан Муҳаммад Юсуф билан гаплашган ўша журналистлар биз аканг қарағайлар бўлади!  
Муҳаммад ака шу суҳбатдан кейин мени ўзига яқин оладиган бўлди. Кўча-кўйда, тадбирларда учрашиб қолсам, ишларим, ижодим ҳақида сўраб-суриштирарди. Гоҳ "Матбуотчилар уйи" яқинида бирга чой ичардик.  
Бир кунни тушлиқдан сўнг "Мен билан юр, сени "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам билан таништираман", деб қолди. Тақлифдан хурсанд бўлиб кетдим. Ахир, Эркин Аъзам "Атойининг туғилган йили" қиссаси

биланоқ кўплар қатори менинг ҳам сеvimли ёзувчимга айланиб улгурганди. Журнал таҳририяти жойлашган бино шундоққина йўлнинг нарёғида экан. Муҳаммад ака бамайлихотир, мен эса тортиниброқ бош муҳаррир хонасига кириб бордик. Салом-алиқдан сўнг Эркин Аъзам менга бир-икки савол берди: "Қаерда ўқигансиз, ҳозир нима билан машғулсиз", дегандай. Шеърлар ёзиб туришим ҳақида ҳам айтдим, чамаси. Эркин Аъзам дабдурустдан "Менга маъъул. Эртадан ишни бошлайверсангиз бўлади!" деб қолди. Мен ҳайрон бўлиб Муҳаммад акага қарайман, у бўлса "Ҳўп деявер", дегандек ишора қилади. Йўқ, мен Эркин Аъзамга тўғриси – газетада ишим яхши эканини, у ердан кетмоқчи эмаслигимни айтдим.

– Эй, бу ёғи ғалати бўлди-ку, – деди бош муҳаррир ҳайрон бўлиб. – Оббо Муҳаммад-жон-эй, бизга ҳодим кераклигини айтиб, шоирнинг розилигини олман экансиз-да. Майли, бўлар иш бўлди. Ҳозир бундай қиламиз, ёш шоирга бўлим муҳаррирлигига буйроқ чиқарамиз. Газета билан журналнинг ораси яқин, у ёқдам-бу ёқдам ишлайверсин. Кейинроқ ўзи тўғри бир қарорни қабул қилади. Бўлари гапни айтсам, ижодкорнинг жойи газетада эмас, журнал ёки нашриётда бўлиши керак!

Шу-шу, Муҳаммад Юсуф шарофати билан журналда ҳам ишлай бошладим. Иккала-миз битта хонада ўтирамиз. Газетага келган қўлэмаларни тахрир қилиш кўникмасини ўзлаштириш баробарида шоирнинг кўплаб янги шеърлари дунёга келишига ҳам бевосита гувоҳ бўлдим. Муҳаммад ака ортиқча зўриқишларсиз, юрагида пишиб-етилган сатрларни шошмасдан қозғога туширарди. Бир-икки банди тайёр бўлса, дарров менга ўқиб бераар, шу аснода бирорта сўзни ўзгартирса, шеърни қайтадан оққа кўчириб, кейинги бандларини ёзиш учун чуқур уйга толиб қоларди. "Кўкламойим" деб номланган ва жуда машҳур кўшиқ бўлиб кетган шеърнинг ёзилиш тарихи қизиқ бўлган. Ҳамма бир овоздан бу тақлифни қўлаб-қувватлади. Шу муносабат билан эртаси кун Чўлпоннинг "Яна қўлга олдим сезимни" тўпламини толиб келдим. Бамааслаҳат китобдан бир шеър хонада бир ўзи қозғоқ қоралаб ўтирибди. Аллақачон "Кўкламойим" шеърининг уч-тўрт бандини ёзиб қўйган экан. Бу гал ҳам тарки одат бўлмайди: ҳар доимгидек "илк тингловчи" мақомига эришим. Илҳом бўлғоғи тошиб турган экан, кейинги бандлар ҳам қозғога пешма-пеш туша бошлади:

Кел-да энди соғинтирмай одамни,  
Сен йўғинда бир ҳам босди елкамни.  
Қорлар кураб кўмиб келдим отамни...  
Кўкламойим, кўкундан бер бир чимдим...

Нихоят шеър битди. Қайта ўқиб ундан шоирнинг ўзи-да қоникди. Шу асно хаёлида ярқ этган фикр тилига кўчди:  
– Шеърни Озод акага ўқиб берамиз. Яқинда оналарини сўнги йўлга кузатиб келдилар. Балки бир таскин бўлар...  
Улуғ олим Озод Шарафиддинов бош муҳаррир ўринбосари лавозимда ишлар эди. Шеър у кишига қаттиқ таъсир қилди. Мутаассирликдан ҳатто кўзлариде ёш милтиллади.

– Муҳаммад-жон, зўр битик бўлибди. Нафақат отангиз-у яқинларимизнинг, балки буюк Чўлпоннинг ҳам руҳини шод этибсиз, – деди Озод ака миннатдор оҳангда.  
Хонага қайтганимизда Муҳаммад Юсуф қўлга қалам олиб, шеърнинг тепасига "Озод Шарафиддиновга" деб ёзди ва менга савол назари билан қаради. Мен эса:  
– Узукка кўз қўйгандек тўппа-тўғри! – деб шу асно кўнглимдан кенганини дангал айт-

дим-қўйдим.  
Муҳаммад Юсуф ўша йиллари қирқ ёшнинг нари-берисиде эди. Аммо ҳар бир воқеа-ҳодисага ёши улуг кекса – донишмандларга хос йўсинда муносабат билдирадди. Салмоқлаб, лекин юрак-юрагидан ўтказиб гапирарди.

Бир кун Эркин Аъзам журнал ходимларини йиғиб, қайси бир сон кечикаётганидан жаҳли қичиб мажлис ўтказди. Мажлисда айрим ходимлар шаънига ҳам яхши-ёмон, ачиқ-чиқиқ сўзлар айтилди. Турган гапки, ҳамма бир қадар маҳзун тортиб қолди. Менинг назаримда, ўша лаҳзаларда биргина Муҳаммад Юсуф раҳбарни чин-дилдан тушунган ва тушунишга ҳаракат қилганди.

– Эркин ака бизларни тўғри койиди. Бундан хафа бўлмастимиз керак. Ҳамма ўз ишини вақтида бажармаганига сиқлади. Қўп иш ўзига қолиб кетяпти. Ваҳоланки, Эркин Аъзам – катта ёзувчи. Зўр-зўр роман, қисса, ҳикоялар ёзиш ўрнига баъзан кимларнингдир хом-хатала мақолаларини тахрир қилиб, пиштиб ўтирибди. Вақт эса кутиб турмайди. Умр бешафқат! – деб менга, қолаверса, ўзига ҳам таскин бергандек гапирганди хонага қайганимизда. Кейин шу кайфият оғушида янги шеър айта бошлади:

Ўтди ёшлик, кимга дод дей,  
Отдайман-у хорган отдай!

Ҳозир шу шеърни тўлиқ эслолмайман. Негадир шоирнинг сайланма китобларида ҳам учратмадим. Балки кўзим тушмагандир. Шеърнинг "Қулларим, омон бўлинг, омон бўлинг!" тарзида якуни Муҳаммад аканинг товушида ҳамон қулқорларим остида жаранглаб туради. "Бу шеърни Эркин Аъзамга бағишлайман", деганди шоир.

Муҳаммад Юсуфни жуда кўп даврларда катта-катта саҳналарда кузатиш бахтига муяссар бўлганман. Мухлислар шоирни издиҳом тўрига қорлашарди, олқишларарди. Лекин у бу дабдабали машҳурликка сингишиб кетолмасди. Ҳамиша ўз-кўзида аллақандай тортинчоқлик ҳисси зўр этиб турарди. Билмадим, менинг ёлғимга у ана шундай истихлоси баланд инсон сифатига муҳрланиб қолган.

Бу кўҳна дунё ўтмишда жуда кўп буюк ва машҳур ижодкорларни кўрган. Етти иқлимга донги кетган ҳазрат Навоий, Бобуру Машраб номларини айтмасак ҳам биласиз. Яқин кечмишимизда Усмон Носир, қарахон шоирларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов оламшумул машҳурликка сазовор бўлганлар сирасига киради. Менинг назаримда ана шу рўйхатда ҳақли равишда Муҳаммад Юсуфнинг номи ҳам туради.

Миллат яшар экан, адабиёт яшайди, деганлари рости. Яратган халқимизга ҳали қўлаб истеъдодларни бахш этади. Бунга ҳеч қанақа шак-шубҳа йўқ. Бироқ сизу биз англаб турган, Муҳаммад Юсуф умрининг сўнги йилларида эришган оммавий машҳурлик энди ҳеч кимга насиб этмайди. Агар аксинча бўлса, қанийди!..



Сирројиддин РАҲОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

"XXI asr" ijtimoiy-siyosiy gazetasida ijodiy jamoasi atqilgan ijdokor, tanikliq publikatsiya, mahoratli tarjimon Karim BAXRIEVning vafoati etganligi munosabati bilan oila aъzolari hamda yaqinlariga hamdardlik bildiradi.

O'zLiDeP Toshkent shaъr kengashi jamoasi partiyaning Olmazor tuman kengashi raisining Aёllar masalalari bуйича ўринбосари Мияссар НИГМАТОВАнинг вафоти munosabati bilan marhumaning oila aъzolari va barча yaqinlariga hamdardlik bildiradi.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI. Boш muҳarрир Норқобил ЖАЛИЛОВ. Taхрир хайъати: Ақтам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Сирожиддин САЙИЙД, Дилшод ШОУМАРОВ, Равшан МАМУТОВ, Нодир ЖУМАЕВ, Гулшана ХУДОЁРОВА, Шўҳрат АСЛОНОВ, Абдулла АСЛОНОВ.

"XXI asr" ijtimoiy-siyosiy gazetasida Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган. "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 445. Адади: 5953. Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди – 19:30. Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. © "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди. Саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов. НАШР КўРСАТКИЧИ: 406 1 2 3 4 5 6. Навбатчи муҳаррир: Абдулла ЧИМИРЗАЕВ.